

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

24-ЙИЛ
ЧИҚИШИ
№ 188 (5281).

25
СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.



ПОИТАХТ ОБЛАСТИ
ЮБИЛЕЙ ВАХТАИДА

СЕРВЕРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

БУКА (Тошкент области), 23 сентябрь. (ЎзТАГ). Бўна районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг деҳқонлари механик-ҳайдовчи Сервер Усенюнов пахтани машинада териб олиш планини бажарганлиги билан табрикларидилар. У олти кунда машина бункеридан 90 тонна пахта тўқди. Сервер мавсумда 400 тонна

пахта териб бериш мажбуриятини олган. Усенюнов бу мажбуриятни 27—28 иш кунда бажариш учун курашмоқда. Сервер ўзи меҳнат қилаётган бригадда еттиштирилган 50 центнерлик ҳосилини ҳаммасини машинада териб беришга аҳд қилди. Механик-ҳайдовчилардан Исмон Муртазоёв, Михаил Га-

лин, Камол Келешев Серверга тенгланиб, ҳар кун ўз машиналари бункеридан 12—14 тоннадан пахта тўқмоқдалар. Бундай юқори унумдорлик ҳужайна пахта тайёрлашни жадал суръатлар билан қўлга йиллик планга нисбатан етти процент миқдорда пахта тайёрлаш имконини бермоқда.



УЛКАН ҒАЛАБА БИЛАН

Кабарда-Балкар АССР Баксан районидagi «Трудовой Горь» колхозини маккажўхориқор звероларининг бошлиқлари Асламбег Карданов, Музабир Тхакахов ўртоқларга

Азия ўртоқлари! Сизларнинг «Трудовой горь» колхозининг маккажўхориқор механизаторлари маккажўхориқордан мўл ҳосил еттиштириб, уни ўриб олишда тежинидадан юксак унум билан фойдаланиш намуналарини кўрсатганликлари тўғрисидаги хабарингизни эшитиб голт мамну бўлдим. 23 соатлик узлуксиз иш давомида олтига «Херсон-7» маккажўхориқор комбайни ёрдамида 83 гектар майдонда 10000 центнердан ортиқ маккажўхориқор сўтаси ва 19 минг центнер кўк, лоя ҳеч ноуд қилинмай йиғиштириб олинди. Бу ўрим агрегати учун белгиланган иш нормасидан деярли уч баравар ортиқдир. Маккажўхориқор ҳосилини йиғиштириб олишдаги бундай унумдорлик жуда катта ютуқдир. Кабарда-Балкарнинг илгор маккажўхориқорлари бир қанча йиллар мобайнида маккажўхориқордан мўл ҳосил еттиштириш учун бошланган мусобақани ташаббускорлари бўлиб келмоқдалар, зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Маккажўхориқор қиммати дон, чорвачилик учун голт тўғилиш озуқадир, шу сабабли ундан мўл ҳосил олиш

Урта Чирчиқ районидagi Терешкова номи колхозда пахта йиғим-терими ушшоқлик билан жадал бормоқда. Суратларда: (чапдан). Колхознинг 6-бригадасида машинада пахта териб ва пахтани тайёрлаш пунктларига жўнатиш ас этирилган. (Ўртада) Илгор механизаторлар Ҳамид Ғуломов ва Камол Жамоловлар. А. Абалин фотолари.

ИККИ БРИГАДА МАРРАГА ЕТДИ

БУКА. (Телефон орқали олинди). Социалистик мусобақани кенг қўлдоб ёйдириб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистоннинг шонли олтин тўйини муносиб қўлиб олиш учун курашга «Кўкорол» совхозининг пахтакорлари суръатга суръат қўлиб пахта теришни жадаллаштирмоқдалар. Кеча яна бир хушхабар келди. Бўз ерларини ўзлаштириб экин эгкан Нуъман Париев, Ҳамза Изаатов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар пахта тайёрлаш планини биринчи терим тугатмасданок бажаришди. Пешнада бригадалар ҳар гектар ердан 16—17 центнердан «оқ олтин» топиштиришди. Далада ҳосил кўк. Деҳқонлар яна ҳар гектар ердан 14 центнердан пахта топиштириб, ҳосилдорлигини 30 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА

Азиз Леонид Ильич! Сизнинг Ростов областидаги «Московский» совхозини ўрим усталарига, шунингдек Волгоград областидаги Ленин орденли «Волга-Дон» совхозини тракторчиларига йўлаган самимий табрик сўзларингизга Кабарда-Балкар колхоз ва совхозларининг маккажўхориқорлари орасида социалистик мусобақани жўш урдириб юборди. Республикада ҳужайналарда маккажўхориқордан мўл ҳосил еттиштиришди. Ҳар бир вақтда кўпгина колхоз ва совхозлар ҳосилини йиғиштириб олишга киришдилар.

Баксан районидagi «Трудовой горь» колхозининг маккажўхориқор механизаторлари беш йилликнинг тўртинчи йилини ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан нишонлаганга аҳд қилиб, буттуринда қўлишмайдиган мўл ҳосил еттиштиришди. Ўтган йили 700 гектар ернинг ҳар гектаридан 70,4 центнердан дон олинган эди.

Колхоз меҳнатчилари ўрим усталарининг ватанпарварлик намунасига эргашиб, 1200 гектардан иборат катта майдондаги маккажўхориқор ҳосилини буттуринда икки баравар тезроқ йиғиштириб олишга ва ватан омборига камиди 50 минг центнер маккажўхориқорини сара узуллик донини топиштиришга қарор бердилар.

Биз 14 сентябрь кунги маккажўхориқор донини оммавий равишда йиғиштириб олишга киришдик, иккала звенониз ўзаро мусобақалашиб, ҳосил ўрмининг биринчи кундаги 23 соатлик узлуксиз иш мобайнида олтига «Херсон-7»

ЎРТОҚ В. В. ГРИШИНГА МУКОФОТ ТОПИШРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 23 сентябрда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Гришинга Ленин орденли ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медалини топириди. Ўртоқ В. В. Гришин Коммунистик партия ва совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва тугилган кунига олтинчи йил тўлиш муносабати билан ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди. Мукофотини топиштириш вақтида Л. И. Брежнев, А. А. Гречко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин,

САМАРҚАНД ХАЛҚ- АРО УЧРАШУВГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

САМАРҚАНД. 24 сентябрь. (ЎзТАГ). Самарқанд кўчаларида аёқойи эмблема пайдо бўлди. Осиё қитъаси фониди халқлар тинчлиги ва осийшталитининг рамзи бўлган илдуфур кўзга мағмур ташнабди турбиди. Қадимий Самарқанд тинчлик тарафдорларининг бу ерда очилмайдиган кўзга анжушани халқаро учрашувга фаол тайёрланиб кўрмоқда. Халқаро учрашув илдуфур-миллий кишиларни қизиқтириб турган масалани — «Осиёда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш — замонамизнинг энг муҳим вазифаси» деган масалани муҳомаа қилади. Бугун шаҳар чет эллардан учрашувга келган иштирокчиларнинг катта гуруҳисини қўлиб олди. Булар орасида Осиёдаги турли мамлакатларнинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, халқаро демократик ташкилотларнинг намоёндалари бор.

Жамоатчилик вакиллари аэропортда меҳмонларни табриклар қўлиб олдилар. Понерлар уларга туллар тақдим этдилар.

Шаҳар ижроия комитети раиси Т. Х. Назаров учрашув қатнашчиларини Самарқанднинг бутун аҳолиси номидан самимий табриклар қўлиб олди.

Ироқ давлат министри, Осиё ва Африка халқлари бирлашган ташкилотининг вице-президенти, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Азиз Шариф жавоб нутқи сўзлади. (ЎзТАГ).

Фестиваль харитаси... Бу харитада Ўзбекистон дийрига келган дўстлик қўлиқлари байрамнинг ҳар кунги ўнлаб порлоқ чиролари элтириб турди. Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг олтин йиллиги шарафига машҳур балли коллективлар, саҳна усталари «оқ олтин» ўлкасига ўз тухфаларини олиб келдилар.

ОБЛАСТИМИЗДА КУНИГА 4,5-5 ПРОЦЕНТ- ДАН ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ИШИГА ҲАР БИР ХУЖАЛИК МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШСИН!

○ КУНИГА 5 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ ПАХТА
ТАЙЁРЛАЕТГАН УРТА ЧИРЧИҚ, БУКА РАЙОНЛА-
РИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА
ОФАРИН! ○ БЕКОБОД, ОҚҚУРҒОН, ЮҚОРИ ЧИР-
ЧИҚ, ПИСКЕНТ РАЙОНЛАРИДА ҲАМ СУРЪАТ КУН
САИИН КЎТАРИЛМОҚДА. АММО ҚУНИ ЧИРЧИҚ,
ЧИНОЗ РАЙОНЛАРИ КЎНДАЛИК УСИШДА ҲАЛИ
ҲАМ СУСТКАШЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР. ○ ҚУЗ ФАС-
ЛИНИНГ ҲАР БИР КУНИ ҒАНИМАТ. ДАЛАЛАРДА
ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ КЎРСАТАЙЛИК. ○ МАШИНА-
ЛАРИНИНГ ИККИ СМЕНАДА ТЎЛА УНУМ БИЛАН
ИШЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК ○

ЮБИЛЕЙ НИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери, учинчи стун — машина терими, бир кунлик ўсиш, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери

Бўна	5,01	27,47	5,57	25,44
Янгийул	3,95	26,53	3,50	11,84
Бекобод	4,61	24,31	5,43	18,78
Пискент	4,12	23,35	4,47	19,59
Чиноз	2,87	19,31	2,55	8,51
Урта Чирчиқ	5,05	19,27	6,46	19,89
Юқори Чирчиқ	4,12	16,08	4,27	14,65
Оққўрғон	4,40	15,80	5,06	13,08
Қуён Чирчиқ	1,27	5,20	1,14	3,23
Область бўйича	4,09	20,07	4,58	16,06

МАЖБУРИЯТ 6 ОКТЯБРДА БАЖАРИЛАДИ | ТЕРИМ ЖАДАЛ

Колхозимиз тўрт йилдан бери районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажариб келмоқда. Колхозчиларимиз бу йил ҳам биринчилар қаторида маррага етиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун пахта йиғим-теримига ушшоқлик билан киришдилар.

Биз гўза баргини тўкиш учун ОВХ—14 машинаси билан дефолиация қилдик. Бу тадбир ҳам нўтисодий, ҳам одамларнинг саломатлигига зарар етказмаслиги ва гўзани сифатли дефолиация қилиш жиҳатидан колхозимизга яхши наф бермоқда.

Дефолиация сифатли ўтказилгани, терим машиналари яхши ремонт қилингани учун пахта терими унуми буянлиги. Илгор бригадалар маррага киришмоқдалар. Масалан, Сафар Рустамов бошлиқ бригада аъзолари 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар.

Сафар Ҳасанов бошлиқ бригадда ҳам пахта терими жадал давом этмоқда. Бу бригада аъзолари пахта теримида илгорлар қаторида бормоқдалар.

Механик-ҳайдовчиларимиз етти-сикта ҳосилини тез териб олишда асосий таъинимиз бўлиб қолди. Улар бизнинг оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилмоқдалар.

Механик-ҳайдовчиларимиздан хизмат кўрсатган механизатор Убайдулла Эргашев бу йилги мавсумда машина билан 200 тонна пахта териб мажбуриятини олган. У Матмуса Норкулов бошлиқ бригаданинг те-рида пешқадам бўлиб боришда муносиб ҳисса қўшмоқда. У ҳар кун ўз агрегати билан 12—13 тоннага етказиб пахта териб хирмонга барана киришмоқда.

Қўнбой Мамраев ҳам колхозимизнинг илгор механик-ҳайдовчиларидан. У ХТ—1,2 маршали машина билан кунига 6—7 тонна пахта териб юқори кўрсаткичга эришмоқда. Машиналар унумли ишлайоти. Айрим қараларнинг гектаридан бир юришда 28 центнердан ортиқ ҳосил терилмоқда. Колхоз бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда машиналарнинг терган пахтаси 20—22 центнерга тўғри келади. Бу колхозимиз шароитида яхши кўрсаткичдир.

Машина ишламайдиган ерларда колхозчиларимиз кўл билан пахта термоқдалар. Кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилган Қўнгул Ҳасанова, Жангалаш Маматкулова, Нуринос Исроилова сингари чевар теримчилар кунига 120—150 килограммга етказиб пахта теришмоқда.

Бизнинг колхозга пахта пункти анча узоқ. Терилган пахтани ўз вақтида топиштиришда телекачиларимиз зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Н. Редик, Р. Ҳасанов, А. Холназаровлар кунига 20—30 тоннадан пахта ташиммоқдалар.

Колхозимиздаги барча механизатор, агроном ва инженерларимиз халқ хўжалик планини 30 сентябрда, зиммага олинган социалистик мажбуриятни 6 октябрда бажариш учун курашмоқдалар. Барча тадбирлар шу мақсадга қаратилган.

Янгийул («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Кейинги кунларда райондаги Назарали Ўлимов номи колхозда терим ишлари авж олиб кетди. Хўжалик кунига йиллик планининг 2,5—3 проценти миқдорда пахта топишляпти. Ўрта-инди пахта кўрсаткичи ана ҳам ортади. Теримни жадаллаштиришда Абдулаҳад Нурматов бошлиқ бригада пешадамлик қилмоқда. Бу ерда 108 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 29 ўрнига 40 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилинган. Деҳқонлар ўз сўзларининг устидан тезроқ чиқиш учун курашиб, кунига йиллик планининг 3 процентдан ортиқ пахта топишляпти. Машина терими билан бир қаторда чевар теримчилар ҳам қаторда қилишмоқда. Суръат умурзоқов кунига 200 килограммдан пахта терилди. Олия Мирзажонова, Мўтабар Валикулова каби теримчилар кундалик нормаларини 2—2,5 баравардан бажаришмоқда. Механик-ҳайдовчи Абдумалик Валикулов эса дастлабки кундан бошлаб 4—5 тоннадан пахта тера бошлади.

„ДУСТЛИГИМИЗ МАДҲИЯСИ“

СССР ХАЛҚЛАРИ
САЪАТИНИНГ
ФЕСТИВАЛИ ЕПИЛДИ

ватанини, она дийри, баҳорини, муҳаббатни шарафловчи шеър ва қўшиқлар, рақс, кўйлар ва ларлар республиканинг турли бурчаларида интиб турди.

24 сентябрда кунли Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида дўстлик қўшиқлари байрамининг якуловчи сядолари янгради. Шу воқеага бағишланган кечани Ўзбекистон ССР Маданият министри Ғ. Н. Нажимов очди.

Бу кунлар, деди Ғ. Н. Нажимов, Ўзбекистон меҳнаткашларининг хотирасида узоқ вақт сақла-

ниб қолади. Фестиваль бизга қўлдо ҳалқларнинг санъати юқорлиги билан янада яқинроқ танишиш имконини берди. Маданият намоёндалари билан бўлган учрашулар икковий алоқаларимизни активлантирди, маданиятларимизнинг социалистик неғизини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади.

Фестивалда қатнашган олти бадий коллектив Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг

фахрий ёриқлари билан мукофотланганликлари тўғрисидаги ҳатбарин эълон қилиш билан фестивал кўнгли олдиди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Аъдалин шу ёриқларни топиштириб, мукофотланганларни қизгин қутлади.

Белоруссия ССР Давлат рақс ансамблининг директори ва бадий раҳбари А. И. Колледенко, «Вильнюс акс садоси» ансамблининг солисти С. Мяншаускас ўз коллективларининг ижодига юк қардош республикалардан келган артистлар яратганлар. (ЎзТАГ).

кофотланганлар номидан қизғин ташаккур билдирдилар.

М. Горький номи Ленинград Академик драма театрининг Бош режиссёри, СССР халқ артисти Г. А. Товстоногов, топиштириб, «Социалистик Меҳнат Ғаҳрамони Л. П. Назанцева санъат фестивали иштирокчиларини хотирасида узоқ вақт сақлаиб қолади» ҳақида таърифлар.

Қўшиқ ва дўстлик байрамининг якуловчи симфонияси янгради. Бу симфонияни Беларуссия рақс ансамбли Эстония «Кўхна Тоомас», Туркменистон «Копет-доғ» бадий коллективини, Молдавия, Грузия, Украина, Тожикистон, Қўзғистон, Ўзбекистондан, ҳуллас, барча қардош республикалардан келган артистлар яратганлар. (ЎзТАГ).



ОТАЛАР ЖАСОРАТИ ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

Т Ў П Ч И

Орёл учун бошланган жанг жуда ҳам зўрайиб кетди. Душман чекинишни ҳаёлига ҳам келтирмай, ердан, ҳаводан янги-янги кучларни ишга солар эди.

Кечга яқин тўп командири А. Ҳожиёв ён-верига қарадию, минимет олдида етти кишидан факат икки жангчи қолганлигини кўриб ташвишга тушди. Дўшманга бас келиб бўлармикан? Яқин орада ёрдам келадими-йўқини, — бу ҳақиқатнома эди.

Абдуразоқ Ҳожиёв минимет ён-верига қарадию, минимет олдида етти кишидан факат икки жангчи қолганлигини кўриб ташвишга тушди. Дўшманга бас келиб бўлармикан? Яқин орада ёрдам келадими-йўқини, — бу ҳақиқатнома эди.

Абдуразоқ Ҳожиёв минимет ён-верига қарадию, минимет олдида етти кишидан факат икки жангчи қолганлигини кўриб ташвишга тушди. Дўшманга бас келиб бўлармикан? Яқин орада ёрдам келадими-йўқини, — бу ҳақиқатнома эди.

нар ўрганиб. Паркентда қурилиш бригадасида ишлаб юрганлар да уруш бошлангач қолди. Дастлаб у Узоқ Шарқда хизмат қилди. Кейин артиллериячилар мактабини битириб, 1942 йилда 1-Белоруссия фронтинда жангга кирди.

У Курск ва Орёл учун бўлган жангларда қатнашди, икки марта оғир яраланиб, госпиталдан яна соғайиб чиқди.

— Ватанимиз немис газандларидан тозалангач, Шарқий

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи жангчилари Ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда қувончли ютуқларини қўлга киритган ҳолда республикамиз юбилейини кутиб олоқдалар. Ўтказилган машқларда барча солдат ва офицерлар муваффақиятли қатнашиб, ўз маҳоратларини оширишмоқдалар.

Ҳарбий техникани пухта ағаллаш, машқларда тез ва аниқ ҳаракат қилиш бўйича ўтказилган мусобақаларда танк механик-ҳайдовчиси комсомол аъзоси Виктор Васманов бошқаларга намуна бўлди. Виктор бўш соатларда ўз тажрибасини кўролдош дўстларига ҳам ўргатмоқда.

Суратда: моҳир ҳайдовчи Виктор Васманов.

Пруссияни олишга киришдик, — деб хотирлайди А. Ҳожиёв, — Галаба кулларида оз қолган эди. Лекин Контсбергда яна қаттиқ яраландим. Галабамиз ҳақидаги хабарни Латвиядаги госпиталда эшитдим.

Бир неча марта ўлимга чап берган қўрқмас жангчи Абдуразоқ Ҳожиёв урушдан Қизил Юлдуз ордени, Қизил Байроқ ордени ва бир қанча жанговар медаллар тақиб қайти.

Ҳозир у Паркентда яшапти. Урушдан сўнг узоқ йиллар қолхозларда қурилиш бошқармасида ишлади. Тўққиз фарзанди, ўнлаб неварачалари бор.

Абдуразоқ ака ва унга ўхшаш миллионлаб совет кишилари бугунги ёрқин истиқбол учун шундай қаҳрамонона курашдилар.

М. ТУРСУНОВ,
Юдори Чирчиқ райони.



А. Асанов фотоси.

БОЛТИҚ ЛОЧИНИ

...1942 йилнинг баҳори оғир келди. Жанг устига жанг. Болтиқлик учувчилар душман ағаллаб турган портларга, темир йўл станцияларига учиб кириб, уларни яқсон қиладилар. Авиаторлар орасида тошкентлик Пулат Бойсариев ҳам бор эди.

Пулат Бойсариевнинг жанговар йўли Ленинград областидаги Гусал Петергоф шаҳарчасидан бошланди. У бу ерда денгиз қирувчилари 62-авиация бригадасининг 4-эскадрилья комиссари эди. Кейинчалик у 71-авиация полки командирининг ўринбосари этиб тайинланди.

20 апрелнинг эрта тонгида Болтиқ Флоти Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони М. И. Самохониннинг шахсий кўрсатмасига биноан разведкачи самолёт дўшманининг самолёт ва зенит тўплари аниқ тасвирланган аэродромнинг фотосуратини 71-полкка олиб келди.

Хужумни кечиктирмай зудлик билан бошлаш керак эди. Старший лейтенант Григорий Шварев бошчилигидаги олати учувчи «И-16» самолётида ҳавога кўтарилди. Г. Шваревнинг ўзи дўшман эътиборини дўстларидан қочириш учун

бошқа тарафга йўл солди. Кетма-кет асосий зарба берадиганлар — Бойсариевнинг лочини тўғри аэродромга шўнғидилар. Ўша кунини немис аэродромидан учинча шай турган 17 «юнкерс» ер билан яқсон қилинди.

Пулат Бойсариев бошчилигидаги учувчилар озоқ чапта бурилиб тўғри аэродромга шўнғидилар. Ўша кунини немис аэродромидан учинча шай турган 17 «юнкерс» ер билан яқсон қилинди.

Пулат Бойсариев бошчилигидаги учувчилар озоқ чапта бурилиб тўғри аэродромга шўнғидилар. Ўша кунини немис аэродромидан учинча шай турган 17 «юнкерс» ер билан яқсон қилинди.

У ҳозир Кронштадтда яшайди. Пулат Бойсариев ўқувчи, студент ва жангчилар ҳузурида тез-тез бўлиб туради. Уларга ўз хотираларини, кўролдош дўстларининг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Р. СОБИТОВ.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

СИ Н О В

Хавонинг авзон бузилди. Емгир эрталабдан бери чепаклаб қўймоқда. Шу дамда тустандан тўртга бўлиб қолди. Алоқачилар бир зумда тўла жанговар ҳолга келдилар.

Узоқ юришди. Емгирнинг совуқ томилири шинелнинг ёқаларига, жангчиларнинг бўйига тушар ва этини жунижиктирдилар. «Тошчирик» бажора олариканми? Бунақа об-ҳавода ҳеч ишлаган эдики — Собит Мусаев шуларни ҳаёлидан ўтказди. Кейин: «Албатта ўз муддатида бажарамиз!» деди-да, йигитларга бир-бир қараб қўйди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки Собит — коммунист. Коммунист эса доимо олдинда бориши керак.

Шу кунини собит Собит Мусаев бошчилигидаги алоқачилар об-ҳаво инжиқчилигига қарамай тошчирикни муваффақият билан бажардилар. Машқ машғулотларининг натижалари яқунланганда Мусаев экиллажи нормативини анча ошириб адо этганини маълум бўлди.

Собит алоқачилар бўлимига тасофифан келиб қолгани йўқ. Армияга қақиринганда Ҳарбий комиссияга алоқачи бўлиб хизмат қилиш истаги борлигини айтиди. Унинг илтимоси инобатга олинди. Бир йил илгари хизмат вақти тугагачлар запасга бўшаётганда алоқачилар бошлиғи сержант Раҳимов унинг Мусаев бошлиқ этиб тайинланди. Чунки, бу йилги хизматнинг бошларида оқ интилувчанлиги, ишчанлиги билан ажралиб турар эди.

Авалгига бироз қийналди. Чунки у махсус тайёргарликдан ўтмаган эди.

Собит тез орада малакали мухассис ва командир бўлиб етишди. Кейин партия сафига қабул қилишларини сўраб, рота партия ташкилотига ариза берди.

Партия аъзоллигига кандидат сержант бўлган Емгирни кунда жуда ҳажонлар, ўзида катта масъулият ҳис этарди. Чунки, бу машғулоти алоқачилар бошлиғи, ёш коммунист учун биринчи синг в эди.

Анатоллий Ершов билан Александр Горчаев хизматга янги келишганда Мусаев аппарат бошлиғи эди. Уларга ўзи устоз бўлди.

Анатоллий Ҳарбий хизматга қадар кинемеханик бўлиб ишлаган экан, тезда ўрганиб кетди. Александр билан эса анча «овор» бўлди.

Мана энди қийинчиликлар ортда қолди. Йигитлар ҳозир мушакл ишлай оладилар.

Лекин сержант сира тиниб-тинч қилмади. У вазод командирининг ўринбосари, бўлима комсомол ташкилоти бюросининг аъзоси, Жамоат ишларини жон-дили билан бажарарди.

— Ақойиб йигит, — дейди у ҳақда командир. — Бир қарасангиз ёш жангчиларга ёрдам бераётган, яна бир қарасангиз бўлима жангчилари билан социалистик мажбуриятни бажариш тўғрисида сўхбат ўтказётган бўлади. Ҳаммасига вақт топсади, ҳаммасига улгурасди.

В. РЕМЛЕВ,
подполковник.

ВАТАН УНУТМАЙДИ

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, биринчи гуруҳа инвалиди Ганибой Ака Толянов Октябрь район социал таъминот бўлимидан мамнун чиқди. Унга наватбасиз «Ингуль» енгил автомашинаси ажратилган эди.

Ганибой ака қабил бугунги фаровон ҳаёт учун жон олиб, жон берган кишилар оз дейсизми. Коммунист партия ва Совет ҳукумати Ватан муқтачилиги учун курашганлар ва урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларига ҳамхўрлик қилиб келмоқдалар. Улар катта имтиёزلарга эгадилар.

Октябрь район социал таъминот бўлими бу борада кўпгина хайрли ишлар қилипти. Районда Улуғ Ватан урушининг 580 инвалиди, ҳалок бўлган жангчиларнинг 491 оиласи истиқомат қилади. Социал таъминот бўлими уларга ҳар томонлама ёрдам бериб келяпти.

— Партия ва ҳукуматимизнинг Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзларни кенгайтириш, уларнинг моддий-маиший шароитини яхшилаш тўғрисидаги қарорлари асосида биз катта ишларни амалга оширомоқдамиз. — дейди район социал таъминот бўлими мудири Қ. Ашуров, — 1 гуруҳа

инвалидлари оталиқ қилувчи ташкилотларга бириктириб қўйилган, озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита уларнинг уйларига етказиб берилади. Шунингдек уруш инвалидларига бепул пўтёвқалар тақдим этилапти. Навбатсиз енгил автомашиналар берилади. Ўтган йилларда 158 инвалидга бепул пўтёвқа, 23 кишига эса автомашина берилади.

Социал таъминот бўлимининг ходимлари Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг хонадонларида тез-тез бўлиб турадилар. Уларнинг ҳо-ҳуларидан хабар оладилар, ёрдам берадилар.

Кейинги пайтда қўллаб-қувватлаш бўлими ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари янги уй-жой билан таъминланди. Улуғ Ватан урушининг 100 га яқин инвалиди ва ҳалок бўлган 105 жангчи оиласи янги квартираларга кўчиб ўтди. Истаганларга қўллаб-қувватлаш материаллари берилади. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлган жангчилар оилалари учун поликлиникаларда махсус ҳисоб карточкалари очилган.

Порлоқ келажак учун курашганлар нисбатда. Ватанимиз деб улар жонларини тиккан эканлар, Ватан ҳам бу азаматларини ҳеч унутмайди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Уруш кўрган, чиниққан жангчилардан бир неча кишининг вазод командирлари тайёрландилар. Қўшма қўшниқ курсга юборилди. Улар орасида Алексей Голубенко ҳам бор эди.

Ҳаш-паш дегунча икки ой ўтиб кетди. Маргида маданий лейтенант Алексей Александрович Голубенко ўқини вазод командир бўлиб, яна фронтга борди. Алексейнинг йигитлари Шимолий Донецк дарёсининг Шарқий соҳилида, Белгороддан 25 қачирим чамаси жанубда турардилар.

Тунда янги буйруқ келди. Немис қўшинларини, Белгород йўналишида барпо этилган инжонларни ишқотлари, ўт очини мушакларини қандайдан бўлмасин аниқлаш зарур эди. Бундай маълумотларини эса куч ва техника жамғариб, Курск томонга ҳамда қилиш учун шайланган дўшманининг муҳофаа чизгидан сездирмай орқа томонига ўтибгина қўлга киритиш мумкин эди. 78-ўқини дивизияга қарашли 228-ўқини полкининг командирини бу вазифани алоҳида автоматчилар ротасининг маданий лейтенанти Алексей Голубенко вазоди зиммасига юкллади.

Тунда тўртта қайиққа жойлашган довиораклар Шимолий Донецкнинг Гариб киргоғи томон аста силқий бошлашди. Тонг ёришмасиданоқ Казачья Лопань деган аҳоли пункти қилинча етиб олишди. Ёу-йўллай Голубенконинг йигитлари дўшман муҳофаа чизгидан жойлашгани, Харьков — Белгород оралиғиданги темир йўлдан ўтиб турган фашист эшелонлари қаракати, дўшман қисмлари, ўт очини нукталарини топографик харитада қайд қилиб боришди.

Разведкачилар вазоди унча катта бўлмаган кўл ёқасидан ёнғонзорда ўрнашиб олди. Агрофга ширма қўйилди. Ҳаммаёқ жим-жит. Гўё бу ёқларда уруш зотида ном-нишон йўқдек. Тунга яқин кўл соҳилида немис енгил автомашинаси пайдо бўлди. Ширақай гитлерчилар бу ерга ҳордиқ чинаргани келишган экан. Алексей улар ҳаракатини дурбинда кузатиб турди. Сўнг фашистлардан бирини қўлга туширишга қарор қилди.

Разведкачилардан уч киши дарҳол сувга шўнғиди-ю, қўлини у соҳилига қўйиб қўлга олишди. Зум ўтмай соҳилда кўл жанги бошланиб кетди. Бир бақалоқ фашист асир олинди, қолганлари қурбон бўлди. Қўлга тушган немис офицери устибоси билан дарҳол ёнғонзорга келтирилди.

У ҳўжалик ишлари билан машғул интентант хизмати полковниги экан. Фашист қўшинларини озиқ-овқат, кийим-кечак, материал, техника воситалари билан таъминлашга бевосита алоқадор шахс эмасми, бу «тил»нинг қиммати кутлгандан ҳам зиёда эди. Ҳақи-

ёриб, Гарибга ташланди. Гвардиячи старший лейтенант Алексей Голубенко командирликдаги рота қаторасига утга қишлоқни босқинчилар исқанжасидан овоз қилишга муваффақ бўлди.

Стодоница қишлоғида ҳам қаттиқ жанглар бўлди. Тажрибдор рота командирини фашистларнинг аниқ томонини аниқлаб, қишлоқни ўнг томонидан четлаб ўтди ва ўрмон ёқасидан туриб дўшманини ўққа тутди. Бу тарафдан ҳавф кутмаган гитлерчилар намарини боғлашга ҳам фўрсат топмади қолди. Жанг бундай яқун билан тугашидан беҳабар дўш-

қишлоқда тунаб қолнишга қарор қилишган экан. Бундан хабар топган гвардиячи Алексей Александрович Голубенко ўз ротасини икки гуруҳга бўлиб, қўш қорайишни билан қишлоққа қишлоқлашиб келди.

— Осмонга ракетадан ўқ узганимда бошлангизлар. Зангори ракета отаман. Бир тўсполон кўтариб қўйсизлар-ю, кейин буёғини бизга қўйиб бевосила, — деб у тўпчиларга тайинлаган эди.

Автоматчилар ротаси қишлоққа етиб олгач, Голубенко осмонга ракета олди. Худди шу сигнални кутиб турган тўпчилар қишлоқни чунон замба-

қироваъ ёнида миника қоқмай тонгини бирга қарши олишди. Ҳақдеганда яра битанермади. Шунда ярачлар масалхатлашиб, уни 1944 йилнинг октябрларида Пятитгорскка, Қизил Армия санаторийсига юборишнинг маъқул топдилар. У ерда бир ой даволашча, мусасффо бўлиб, соғайиб кетди.

Яна фронт, яна ҳужум. Гитлерчи газандларини ўз уяси томон бегўхтов қувалаб Гарибга ошқайтган совет баҳодирлари сафига қўшилди. Фронт линияси ўша кезларда Польшанинг Познань шаҳридан ўтиб кетган. Старший лейтенант Алексей Голубенконинг автоматчилар ротаси эса фашистлар Германияси чегараларига яқинлашиб қолган эди...

Автоматчилар ротасининг командирини гвардиячи старший лейтенант Алексей Голубенко уруш оловини ақиди Сталинграддан Берлингача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Фашист газандларини ўз уясида янчиб, уни тор-мор келтиришга миссия ҳисса қўлди. Худди ана шу фашист тушроғида коммунистга ҳос яна бир бор мардлик намуналарини кўрсатди.

Берлин учун бўлган жангларда Алексей Голубенко жароҳатланди, аммо жанг майдонини ташлаб қичиб кетмади. Ротанинг жанговар қаракатлари билан бошқариб турди. Гвардиячи старший лейтенант Голубенко командирлик қилган рота жангчиларини дўшманининг 83 солдатини, 18 та пулеметини, 4 та зенит ва 6 та дала тўпини, қўш миन्दорда енгил ва юк машиналарини қўлга тушириб, 250 га яқин солдат ва офицерларини қириб ташлади.

Бу мардлик ва жасорати учун гвардиячи старший лейтенант Алексей Александрович Голубенкога СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 31 майдаги Фармонида мувофиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Қирб бешинчи йилнинг олтин куни кириб келатган кун пайлада қаҳрамон ўғил ота-онанинг бағрига қайти. Бундай қаҳрамонларни халқ доимо эъзозлайди.

Х. ТОЖИБОВЕВ.



СОЛДАТ МАКТУБИ

Тинглам мени меҳрибон онам,
Сизга мактуб ёзма бошладим.
Суратингиз кўлимада бу дам,
Унга боқиб, кўнглим хушладим.
Жилва қилиб осмонда қуёш,
Чехрангизини солар ёдимга.
Тўқмасин деб оналар кўз ёш,
Содиқдирман доим онтингга.
Ахир аскар, Ватаним-онам,
Дей қўнглин овлагай ҳар вақт.

Шу Ватанда она меҳри жам Ватан тинч ҳамма учун бахт.
Осмон каби бепоян Ватан, Назаримда жарангдор қоса, Истардимки, ўша қосадан Она меҳрини сиймасек роса. Шундангина дунё тинч бўлиб, Қуёшни ҳам забот ётар башар.
Мен ҳам унда қувончга тўлиб, Ўғлингизман, десам ярашар.
Дилором ТОКИЕВА.

Михаил Шолоховнинг «Улар Ватан учун жанг қилган эдилар» номли повестида Улуғ Ватан уруши йилларида халқимиз кўрсатган жасорат мадҳ этилган эди. Кинотехналар асарини неча йиллардан бери севиб ўқиб келмоқдалар. Асар эиндликда киносценаристлар эътиборини ҳам ўзига тортиди. Улар Улуғ Ватан урушида қозонилган буюқ галабанинг 30 йиллигига бағишлаб Шолохов повести асосида янги бадий фильм тайёрламоқдалар. Пойтахтнинг етук санъаткорлари ҳозир «Улар Ватан учун жанг қилган эдилар» фильмида банддилар. Суратда: наватбатдаги кадрини олишга тайёргарлик қилишмоқда. Фильм бош қаҳрамони ролда артист В. Шукшин (ўртада).

А. Ковтун фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

